



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 9 сентябрь, № 177 (4840)

Чоршанба

Ўзбекистон Республикасининг  
ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 227-моддасига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 26 майда  
қбул қилинган  
Сенат томонидан 2009 йил 28 августда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қбул қилинган 2012-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда) **227-моддасининг номи ва биринчи қисмининг диспозицияси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«227-модда. **Хужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалари, автомобилтранспорти воситаларининг ва улар тиркамаларининг (ярим тиркамаларининг) давлат рақам белгиларини эгаллаш, нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш ёки уларни яшириш**

Корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг қатъий ҳисобидаги хужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалари, шунингдек автомобилтранспорти воситаларининг ва улар тиркамаларининг (ярим тиркамаларининг) давлат рақам белгиларини эгаллаш, худди шунингдек уларни нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш, уларни яшириш ғаразғўйлик ёки бошқа паст ниятларда содир этилган бўлса».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2009 йил 8 сентябрь  
№ ЎРҚ—215



Қашқадарё:

## ИСТИҚЛОЛ ЯРАТГАН МЎЪЖИЗАЛАР

**Мустақилликни беҳиз қўйишга менгашмайди. Бамисоли қўйиш ҳароратга бой нурлари билан борлик оламни уйғотиб, бағрида мавжуд гуллаб-яшнашга мойил қуч ва имкониятларни ишга солиб юборганидай, Истиқлол ҳам Ватанимиз ҳамда халқимизнинг ўзлигини уйғоти, уларга гайрат-шижоат бағишлади ва тараққиётнинг ёруғ йўлларига бошлади. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз қўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир. Она заманимизнинг бетакор файзли-бароқали ҳудудларидан бири — Қашқадарё вилоятида ўн саккиз йил ичида эришилган улкан ўзгаришлар ва янгиланишлар, қатрада қўйиш акс этганидек, она-юртимизнинг улғувор ютуқларини ўзида ёрқин жонлатиради.**

### Шаҳарлар — воҳа чиройи

Бугунги Қарши ва умуман, Қашқадарё худуди нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун Марказий Осиёнинг кунда бир чирой очаётган минтақаларидан ҳисобланади.

Истиқлол даврида, 2006 йилнинг олтин куз фаслида Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги оламшумул тантанга айланди. Дунёнинг турли қитъаларидан таширғи буюрган меҳмонларга бу шаҳар улкан дашт сийнасидаги бир мўъжизадай туюлган бўлса, ажаб эмас. Шаҳарнинг Истиқлол йилларида бунёд этилган

Амир Темур, Мустақиллик, Ўзбекистон, Насаф, Жайхун номлари билан аталган мухташам кўчалари, қўйи гул устлар меҳнати туфайли ярқираб жоло очган тарихий ёдгорликлари, ҳар қадамда яшнаб турган гулзорлар, кенг майсазорлар, боғлар, қўйлар ва каналлар, турфа неъматларга бой бозорлар, ҳар жи-

хатдан қошона деб аталса арзийдиган мактаблар, коллежлар, лицейлар, стадионлар, спорт мажмуалари, замонанинг сўнги ютуқлари билан жиҳозланган тиббий муассасалар, ҳашаматли банклар, театрлар, оромгоҳлар... Чиндан ҳам мўъжизанинг нишонларидай.

Хорижий меҳмонлар бу шаҳардаги тарихий Одина масжидини ҳам, албатта, қўришган. У икки замони — мустақилликнинг машъум қиёфасини ва Мустақилликнинг эътиборлиқ нафасини ўзида яққол ифода этган обидадир.

(Давоми 2-бетда).

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислол Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!  
Мексика ҳукумати ва халқи ҳамда ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига азиз мамлакатингизнинг Мустақиллик байрами муносабати билан самимий табриқларимни йўлламан.

Ушбу имкониятдан Ўзбекистон Республикаси ва Мексика ўртасидаги барча соҳалар бўйича икки томонлама алоқаларни янада ривожлантиришга бўлган иштирокчиларимни янгилаш йўлида фойдаланмоқчиман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ ва хотиржамлик, Ўзбекистон халқига доимий тараққиёт ҳамда раванқ тилаб қолғувчи энг эзгу истақларимни қабул этишингизга сўраб қоламан.

**Фелипе Кальдерон Инахоса,**  
Мексика Қўшма Штатлари Президенти.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислол Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!  
Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик байрами муносабати билан Индонезия Республикаси ҳукумати ва халқи номидан Сизга энг эзгу табриқларимизни йўллашга ижозат бергайсиз.

Индонезия ва Ўзбекистон ўртасидаги мавжуд дўстлик ришталари янада кенгайтишга қатъий ишонаман.

Жаноби Олийлари, менинг юксак эҳтиромимни ва Сизга мустаҳкам соғлиқ ҳамда шахсий ҳаётингизга бахт-саодат тилағувчи энг эзгу тилақларимни қабул этгайсиз.

**Доктор Суслио Бамбанг Юдхобно,**  
Индонезия Республикаси Президенти.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислол Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!  
Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сизга ва мамлакатингиз халқига энг самимий табриқларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Чехия Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ўзаро алоқалар келгусида ҳам дўстлик ва ҳамкорлик руҳида муваффақият билан ривожланишига ишоним қилман.

Сизга, Жаноби Олийлари, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва масъулиятли фаолиятингизга улкан зафарлар тилаб қоламан.

**Вацлав Клаус,**  
Чехия Республикаси Президенти.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислол Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам жаноб Президент!  
Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига табриқларим ва Сизга мустаҳкам соғлиқ, ўзбек халқига тараққиёт ва раванқ тилаб қолғувчи самимий истақларимни йўллашга ижозат бергайсиз.

Эҳтиром ила,

**Анибал Каваку Сильва,**  
Португалия Республикаси Президенти.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислол Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам жаноб Президент!  
Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик байрами муносабати билан Швейцария Федерал Кенгаши номидан Сиз, Жаноби Олийларига соғлиқ ҳамда мамлакатингизга раванқ тилағувчи энг самимий истақларимизни йўллаш менга алоҳида мамнуният бағишлайди.

Аминманки, мамлакатларимизни муваффақият билан боғлаб келаятган ишонач ва дўстлик келгусида ҳам янада мустаҳкамланиб бораверди.

**Ханс-Рудольф Мерц,**  
Швейцария Конфедерацияси Президенти.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислол Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!  
Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик байрами муносабати билан ўзим ва суриялик араб халқи номидан шаҳсан Сиз, Жаноби Олийларига ва биродар Ўзбекистон халқига энг эзгу табриқларимни йўллаш менга улкан мамнуният бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга соғлиқ ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига эса доимий тараққиёт ва раванқ тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган чўқур эҳтиромимни қабул этгайсиз.

**Башар ал-Асад,**  
Сурия Араб Республикаси Президенти.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислол Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам жаноб Президент!  
Мамлакатингиз Мустақиллиги куни муносабати билан Гана ҳукумати ва халқи ҳамда шаҳсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табриқларини йўллаш менга мамнуният бахш этади.

Ушбу аjoyиб имкониятдан фойдаланиб, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларнинг келгусида янада ривожланиши ва мустаҳкамланишига умид билдираман.

Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам соғлиқ, Ўзбекистон халқига тинчлик ва раванқ тилағувчи энг эзгу истақларимни қабул қилгайсиз.

**Жон Эванс Атта Миллс,**  
Гана Республикаси Президенти.

Тошкентда маънавий-маърифий ва ижтимоий муҳитни янада соғломлаштиришга бағишланган йилгилиш бўлиб ўтди.

### МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАРғИБОТ ИШЛАРИ САМАРАДОРЛИгини ЯНАДА ОШИРИШ ЙўлиДА

Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, «Маҳалла» жағғармаси, Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари, маънавий тарғиботчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Йилгилишда сўзга чиққанлар жорий йил 31 август кунини «Шаҳидлар хотираси» хибобинда Юртбошимиз Ислол Каримов томонидан бугунги оқолад ва фаровон ҳаётимизнинг моҳиятини ва аҳамиятини янада чуқурроқ англаш, тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етиш, фарзандларимизни турли ҳавф-хатарлардан асраш борасида билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳамда тавсиялар маънавият-маърифат тарғиботини муҳим дастурлашга таъкидлаганидек, тинчлик учун курашши керак, бу ёруғ ҳаётни, фарзандларимизнинг келажагини, уларнинг бегубор кулгисини ҳар қандай ҳавф-хатарлардан асраш лозим. Глобаллашув жараёнида

(Давоми 2-бетда).

## ОБОД ҚИШЛОҚЛАР — ЮРТМИМИЗ КЎРКИ



**Авал хабар берганимиздек, Тошкент шаҳрида Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган қишлоқ аҳолиси учун яқна тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўргазмаси давом этмоқда. Тадбир доирасида ташкилотчи компания ва корхоналарнинг тақдиротлари, шунингдек, мутахассислар иштирокида турли мавзулардаги семинарлар ҳам ўтказилмоқда. Хусусан, кўргазманинг иккинчи кунинда Қашқадарё ва Жиззах вилоятларидан келган соҳа вакилларининг ишланмалари намойишига кенг ўрин берилди.**

### Жараён

— Мана бу лойиҳа Қасби туманида қуриладиган маънавий қишлоқ аҳоли пунктининг макети, — дейди «Қашқадарё қурилиш лойиҳа сервис» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Абдуфаттоҳ Жабборов. — 6,4 гектар майдонни эгаллаган бу ерда 64 та тураржой тикланади. Уларда вилоятнинг бунёдкорлик аъённалари яққол акс этиб туради. Масалан, бизда, албатта, дарвозахона бўлади. У меҳмонхона билан дам олиш хоналарини ажратиб туради. Бунинг қўлайлиги шундаки, келган меҳмон ховлининг бошлиқ қисмида кутиб олиниб, шу ерда кузатилади.

Айтиш жоизки, қурилиш ишларида анъанавий материаллардан ташқари, тез тикланадиган, замонавий хом ашёлардан кенг фойдаланилади. Уларнинг асосий қисми маҳаллий корхоналарда иш-

лаб чиқарилаётгани қувонарлидир. Кўргазманинг қурилиш материаллари бўлимида «Ўзқурилишматериаллари» компанияси тизимидаги 50 дан ортқ корхоналарнинг сифатли ва арзон моллари намойиш этилаётди. Уларнинг ҳеч бири иштирокчиларни эътиборсиз қолдирмапти. Айниқса, том ёпиш материаллари беҳирим қўришниш ва ташқи таъсирларга бардошлилиги билан одамлар диққатини тортмоқда. Металл, сопол ва қумли-полимерли черепицалар, «Бикром», «Полизон» сингари юмшоқ том ёпиш ашёлари шулар жумласидандир.

Ишлаб чиқарувчиларнинг фикрича, чиримайдиган хом ашёлардан тайёрланаётган бу материаллар жуда мустаҳкам бўлиб, 50 йилгача ўз хусусиятларини йўқотмайди. Нархи ҳам арзон. Улардан, айниқса, маҳлакатимизнинг шимолий ҳамда жанубий минтақаларида кенг фойдаланиш мақсадига мувофиқдир. Негаки, улар иссиқ ёки совуқ ҳароратни ўтказмайди, шамолга бардошли.

— Биз 200 йилдаги қурилиш материаллари билан иштирок этаямиз, — дейди «Акта» компанияси бош менежери Маҳмуджон Латипов. — Уларнинг аксарияти Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқарилиши ўлаштирилган замонавий маҳсулотлардир. Ламинатланган ва ёғоч тусли алюмин профиллари, бинолар фасадлари учун

лаш учун махсус ихтисослашган банк ташкил этилиши биз, қурувчилар учун ҳам, аҳоли учун ҳам айни мудддо бўлди.

Чунонки, мазкур кўргазма тармоқда амалга оширилаётган ишохотларнинг мантиқий давомидир. Кўргазмада 4-5 хонали уй ва ховли лойиҳалари билан иштирок этаямиз. Уй қурилишида иссиқ иқлимга мос материаллардан фойдаланишни мўлжаллаганмиз. Умуман, жорий йил охиригача туманимизнинг Оқтепа қишлоғида 25 та уй қуриш режалаштирилган.

Кўргазмада ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашиш, иштирокчилар фикрини эшитиш имкониятига ҳам эга бўлаёмиз. Эътиборлиси, лойиҳаларга қизиқиш катта. Кўргазманинг иккинчи кунинда ҳам қўллаб меҳмонлар ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини билдиришди.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).



**ЖАҲОН**

24 соат ичида

**Ўтда ёнмас ноутбуклар**

Германиянинг Берлин шаҳрида ташкил этилган Электроника маҳсулотлари истеъмолчилари кўргазмаси (IFA 2009)да янги технологиялар намойиши бўлиб ўтмоқда.

Унда Жанубий Кореянинг "Samsung" компанияси томонидан тақдим этилган янги турдаги ноутбуклар кўпчилигининг эътиборини тортди. Мазкур электрон ҳисоблаш машиналари керамика маҳсулоти билан қопланган бўлиб, бу портлаш ва ёнғин содир бўлганда уларга шикаст етмаслигини таъминлайди. "X-Series" номли мазкур ноутбуклар жорий йилнинг октябр ойидан бошлаб Европа мамлакатлари ҳудудига сотувга чиқарилиши режалаштирилган.

Эслатиб ўтамиз, бу моделдаги ноутбуклар дастлаб 2006 йилда "Sony" компанияси томонидан тайёрлана бошлаганди. Аммо уларда аниқланган баъзи нуқсонлар боис ишлаб чиқаришга чек қўйилганди.

**Аэропортдаги ноҳушлик**

Германиянинг Франкфурт шаҳридаги халқаро аэропортда кўнгилсиз воқеа содир бўлди.



Гап шундаки, унинг юклар сақланадиган бўлимидаги кутилардан бири портлаб кетган. Оқибатда икки

нафар ишчи тан жароҳати олган. Шу билан бирга, аэропортнинг ушбу бўлимида фаолият кўрсатувчи 380 нафар ходим ва 11 нафар божхона ишчиси эвакуация қилинган. Ҳозирча мазкур кўти кимга тегишли эканлиги аниқлангани йўқ.

Хуқуқ-тартибот идоралари воқеа юзасидан суриштирув ишларини олиб боришмоқда.

**Ижобий натижаларга эришилмоқда**

"Fox News" телеканалининг маълум қилишича, АКШнинг Калифорния штатида юз бераётган ўрмон ёнғинларига қарши курашда ижобий натижаларга эришилмоқда.

Айни пайтга келиб ёнғин ўчоқларининг қарийб 51 фоизи бартараф этилган. Бу тадбирлар учун 50 миллион АКШ долларига яқин маблағ сарфланган. Мазкур табиий офат кейинги йилларда энг катта талафотларни келтириб чиқарганлиги таъкидланмоқда. Хусусан, кўплаб тураржой бинолари ва 637 квадрат километр ўрмонзорнинг кули кўкка совурилган.

Айтиш жоизки, Калифорния штати мунтазам ўрмон ёнғинларидан азият чекиб келади. Жумладан, жорий йилнинг май ойида юз берган табиий офат туфайли 18 минг киши ўз уйини ташлаб кетишга мажбур бўлган эди.

**Қароргоҳ ёнида портлаш**

Афғонистон пойтахти Кобул шаҳрининг халқаро аэропортда кўпуровчилик ҳаракати содир этилди.

Бу ерда террорчи томонидан миналаштирилган машина аэропорт ҳудуди яқинида жойлашган ҳарбий қароргоҳ атрофида портлатилган. Ҳозирча қурбонлар ва жабрланганлар ҳақида маълумотлар йўқ.

Портлаш амалга оширилгандан сўнг аэропортга кирувчи барча йўллар ёпиб қўйилган. Самолётлар парвози тўхтатилган. Текшириш ишлари олиб борилмоқда.

**Кондаги фалокат**

Хитойнинг Хэнань музофотидаги кўмир конларидан бирида фалокат юз берди.

Бу ҳақда "Синьхуа" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Оқибатда 35 нафар кон ишчиси ҳалок бўлган, 44 нафари бедарак йўқолган.



Мамлакат Меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан маълум қилинишича, ҳозирча фалокат сабаблари номаълум. Кон ичида қолиб кетган ишчиларнинг тақдири ҳақида ҳам бирор нарса дейиш қийин.

Воқеа жойида қидирув-қутқарув ишлари олиб борилмоқда.

**Қочишга муваффақ бўлишди**

Сомалилик қароқчилар Испанияга тегишли иккита балиқчи кемага ҳужум қилишди.

"AFP" ахборот агентлиги томонидан хабар қилинишича, босқинчилар "Кампо Либре Алаи" ва "Алакрана" номли кемаларни гаровга олишга уриниб кўришган. Аммо денгизчилар қароқчиларнинг ҳужумидан қочиб қолшга муваффақ бўлишган. Айни пайтда кемалар

қайси йўналиш бўйича ҳаракатланаётгани ҳақида маълумотлар йўқ. Эслатиб ўтамиз, Испания балиқчи кемаси сўнгги бор 2008 йилнинг апрель ойида Сомали қирғоқларида гаровга олинган ва орадан бир неча кун ўтиб балиқчилар қўйиб юборилган эди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Шодиёна маҳалласида истиқомат қилувчи Мавжудахон Тожиалиеванинг турмуш ўртоғи оламдан ўтган, оила таъини буткул унинг гарданига тушди. Шундай кунларда ҳовлисига Фаргона нефтни қайта ишлаш корхонасидан бир гуруҳ кишилар соғин сигир етаклаб келиб қолишди. Рўзғорига барака кирди: дастурхонидан сут, қатиқ, қаймоқ аримайдиган бўлди.

**ДАСТУРХОНИ ФАЙЗЛИ, РЎЗҒОРИ БАРАКАЛИ**

Бу — Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 апрелдаги "2006-2010 йиллар даврида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида, чорва моллари, биринчи навбатда, қорва моллари, биринчи навбатда, қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида Фаргона шаҳар ҳокимлиги томонидан босқичма-босқич бажариб келинаётган эзгу тадбирлардан бири.

Халқимизда "Чорваси бор уйдан кут-барака аримайди", деган ибратомуз гап бор. Дарҳақиқат, чорва-

чилик маҳсулотлари нафақат оила дастурхонини тўқин, балки бозорни сероб, оилани даромадли ҳам қилади. Ўтган йили бепул сигир олган кўплаб хонадонларда бир бош қорамоли йил тугамай иккита бўлди. Кўп ўтмай, қўралардаги қозиларга қўша-қўша бўрдоқилар, сигирлар боғланди. Зеро, жорий йилнинг биринчи ярмида 100 дан ортиқ эҳтиёжманд оилага соғин сигирлар берилди. Бу белгиланган режадагидан анча кўп. Айниқса, Фаргона нефтни қайта

ишлаш корхонасининг ҳомийлигидан Хувайдо, Қирғули, Сурхтепа, Хўжамағиз маҳаллаларида яшовчи, чорва молларини парварилашга фурсатлари бор, лекин моддий имкониятлари чега-аланган оилалар беҳад мамнун бўлишяпти. Негаки, корхона жамоаси жорий йилда ҳам 21 та кўп болали, кам таъминланган оилага сигир ҳадя қилди. Шаҳарда бундай хайрли ишга ҳисса қўшаётган корхона ва ташкилотлар бисёр. Хусусан,

**Қарор ва ижро**

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**ТОЛА ҚАЙТА ИШЛанади**



Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил иқтисодий ислохотлар, хусусан, хорижий инвесторлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар натижасида кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилмоқда.

**Интилиш**

Бу эса, ўз навбатида, ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш баробарида республикамизнинг экспорт салоҳиятини ҳам оширмоқда.

Наманган вилоятининг Чортоқ шаҳрида фойдаланишга топширилган "Chartaq-Daehan-Textile" Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси шундай жамоалардан биридир.

Энг замонавий ип-йигирув дастгоҳлари билан жиҳозланган мазкур корхонада йилига 3300 тонна пахта толаси қайта ишланади. Эътиборлиси, унинг ишга туширилиши билан маҳаллий ёшлардан 210 нафари доимий ишга жалб этилди.

Келгусида корхона тўла қувват билан ишлаб бошлагач, унинг таркибиде импорт ўрнини босувчи сочик, пайпоқ ва бошқа тўқимачилик маҳсулотлари ҳам тайёрланади.

СУРАТДА: корхона ишчиси Раъно Алихонова. Х. МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат.

**Навий томонларда**

**Матбуотчилар янги бинода**

Навий шаҳрида бугунги кун талабларига жавоб берадиган, замонавий "Матбуот уйи" қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ушбу бинода эндиликда вилоят газеталарининг таҳририйлари ҳамда марказий нашрларнинг ҳудудий мухбирлари жойлашадилар.

Айтиш лозимки, "Матбуот уйи" қошида энг сўнгги русумдаги босма-хона ҳам фаолият кўрсата бошлади. Бу эса вилоятда чоп этиладиган матбаа нашрларининг сифатини янада яхшилашга хизмат қилади.

**Замонавий сихатгоҳ**

Хатирчи туманида "Олтинсой"

санаторийси фойдаланишга топширилди.

Ушбу мажмуанинг бунёд этилиши учун вилоят касаба уюшмалари Кенгаши томонидан 1,1 миллиард сўм маблағ сарфланди. Мазкур сихатгоҳ, асосан, ошқозон ва ичак касалликларини даволашга ихтисослашган. Бунинг учун минералларга бой ер ости сувидан самарали фойдаланилмоқда.

80 ўринга мўлжалланган ушбу сихатгоҳ, шунингдек, замонавий диагностика ускуналари билан ҳам тўлиқ жиҳозланган.

Х. ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**"Росагропромснаб" МЧЖ**

**ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ**

- УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
- 5 м³/соатдан 500 м³/соатгача БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ
- ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
- ПЗК фильтрлари, ИЗО муфтлари

Маҳсулот сертификатланган.

Т./ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.

Манзил: Тошкент ш., Чилонзор маҳалlesi, Ц.даҳаси, 6-уй. Мўлжал — "Шўхрат" дўкони жойлашган чорраҳа.

**Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг АКШдаги ваколатхонаси**

**ишбилармон доиралар учун «РАСК ЕХРО» қадоқлаш саноати халқаро кўргазмасига таширилади.**

Кўргазма 5 — 7 октябрь кунлари Лас-Вегас шаҳрида ўтказилади. Гуруҳнинг кўргазмада бўлиши — 6-7 кун.

**Айни вақтда куйидаги кўргазмалар ҳам ўтказилади:**

- «PROCESS EXPO» кўргазмасида қайта ишлаш саноати ва ичимликлар ишлаб чиқариш индустрияси учун энг замонавий технологиялар намойиши этилади. Бундан ташқари, мева ва сабзавотлар, дон маҳсулотлари, гўшти қайта ишлаш ҳамда нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноати ва ичимликлар тайёрлаш учун янги технологиялар намойиши ўтказилади.
- «СРР ЕХРО» кўргазмасида қадоқланган маҳсулот қопламаси, унга сўнгги ишлов бериш учун замонавий технологиялар, материаллар ҳамда ускуналар намойиш этилади.

Тўлиқ маълумот [www.donaev.uz](http://www.donaev.uz) сайтида жойлаштирилган.

Маълумот учун телефонлар: 239-89-39, 239-45-80.

**Гулистон шаҳрида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.**

**Бандлик фаровонлиқни таъминлайди**

Унда 50 дан ортиқ ташкилотлар 380 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Ярмаркада вилоятдаги қўшма корхоналар ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳам фаол қатнашдилар. Хусусан, "Сарруна-текстил" Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонаси тадбир иштирокчиларидан 10 нафарини ўз жамоаси сафига қабул қилди.

Меҳнат ярмаркаси якунида 150 кишига доимий ишга жойлашиш учун йўланмалар берилди.

А. ШЕРНАЗАРОВ.

**ЮРТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ ВА АБОНЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ ИНТЕРНЕТШНЛ»**

**Ўзбекистон — Индонезия қўшма корхонаси**

имтиёзли тарифлар асосида халқаро ва шаҳарлараро сўзлашув

**ТЕЛЕФОН КАРТОЧКАЛАРИНИ** тақдим этади.

Ушбу телефон карточкалари орқали дунёнинг исталган нуқтасига кўнгирок қилишингиз ва ўз яқинларингиз билан мулоқотда бўлишингиз мумкин.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида халқаро ва шаҳарлараро сўзлашув телефон карточкаларини тарқатиш учун дилерлик фаолияти билан шўғулланувчи, юридик ва жисмоний шахс макомига эга бўлган тадбиркорлик субъектларини ҳамкорлик қилишга таклиф этади.

**МАЌИЗИЛ ВА МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОН:**

Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй, (8-371) 214-63-53, e-mail: [uzi.market@intal.uz](mailto:uzi.market@intal.uz)

**SONATA**

**Ўз йўлингни танла!**

**Drive your way**

Тўловни бўлиб-бўлиб амалга ошириш мумкин.

КАФОЛАТ — 2 йил.

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**HYUNDAI** Official Partner

Tel. 250-11-11

"Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари таҳририяти жамоаси "Народное слово" газетаси бўлим муҳаррири Платон Владимирович Догайтга онаси **Лиза КИМНИНГ** вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Тошкент архитектура қурилиш институти раҳбарияти ва Бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси Ийгма темир-бетон конструкцияларини ишлаб чиқариш кафедраси доценти **Озод Раҳимжонович НКРОМОВНИНГ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат юридик институти жамоаси Хужалик ҳуқуқи ва жараси кафедраси доценти **Хуршида Бурҳонжонжаевага** онаси **Вохид БУРҲОНХУҲАЕВНИНГ** вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

### СИНХРОН САКРАШ СОВРИНДОРЛАРИ

Польшанинг Зелене Гора шаҳрида батутда сакраш бўйича жаҳон кубогининг учинчи босқич мусобақалари бўлиб ўтди.



Унда Пекин Олимпиадаси бронза медали совриндори Екатерина Хилько ва иқтидорли спортчимиз Анна Савкина юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди. Вакилларимиз синхрон сакрашда 45,10 натижани қайд этиб, бронза медали совриндори бўлишди.

### МИЛЛИЙ СПОРТИМИЗНИНГ ДОВРУҒИ

Пойтахтимиздаги "Олимпия шон-шухрати" музейиде миллий спортимиз — курашнинг ривожига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

— Жаҳонда спортнинг юз-дан зиёд тури мавжуд, — дейди Ўзбекистон кураш миллий федерацияси вице-президенти Қосим Раззоқов. — Албатта, ҳар бир спорт уйинида қай-сидир халққа хос алоҳида жиҳатлар, қадрият аъёнлар акс этган бўлади. Лекин ана шу юзлаб спорт турларининг барчаси ҳам халқроқ микёсда эътироф этилмаган, тан олинмаган. Шу боис кураш мизининг жаҳон спорт майдонига чиққанлиги билан ҳақиқат ривожига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Шу йилнинг 1-9 август кунлари Таиланд пойтахти Бангкокда яққакураш спорт турлари бўйича ўтказилган I Осиё ўйинлари дастурига расман қиритилди.

Кўпчиликка манзур бўлди. Мусобақада полвонлар 14 тадан олтин ва кумуш ҳамда 28 та бронза медаллари шодаси учун кураш олиб беришди. Ана шу олтин медалларнинг 3 тасига ўзбекистонлик полвонлар сазовор бўлишди.

Кураш мусобақалари яна давом этмоқда. Жумладан, 6-11 октябрь кунлари Украинанинг курорт шаҳри Алуштада катталар ўртасида VII жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда ўғил болалар 7, хотин-қизлар эса 8 та вазн тоифасида гиламга чиқадилар. Ҳозиргача дунёнинг 60 га яқин мамлакат курашчилари чемпионатда иштирок этиш истагини билдиришган. 30 октябрь — 6 ноябрь кунлари Вьетнамнинг Ханой шаҳрида ўтказилган жаҳон ёлпиқ иншоотлардаги Осиё ўйинлари ҳам кураш бўлиб ўтади.

### УЧ НАФАР БОКСЧИМИЗ ЧОРАК ФИНАЛДА

Милан (Италия) шаҳрида бокс бўйича давом этаятган жаҳон чемпионатининг навбатдаги кунда уч нафар боксчимиз чорак финал йўлланмасини қўлга қиритди.

Тажрибали боксчиларимиздан Тўлашбой Дониёров (54 кг.) германиялик Денис Макаровни 8:3, Ботиржон Маҳмудов (69 кг.) исроиллик Константин Сигурни 12:3, Элшод Расулов эса Доминикан Республикаси вакили Жилберт Кастильо Риверани 11:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, чорак финал йўлланмасига эга бўлдилар.

Кеча Санжарбек Раҳмонов (64 кг.) америкалик Франки Гомесга, Аббос Атоев (75 кг.) бразилиялик Ямагучи Флорентинога, Рамзон Аҳмедов (91 кг.) венгриялик Йозеф Дармос-

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

гапирмаса ҳам бўлади. Бундай "одам" маънавий қиёфасининг қадри ўзи артаётган арзимас буюмидан ҳам пастрдир. Мамлакатимиз галла режаси бажарилганига бағишлаб ўтказилган тантаналарда иштирок этаётиб, ҳаёлимдан ана шундай фикрлар кечди. "Фойда-зарарнинг катта-кичиги бўлмади, — деди Хонқа туманида бўлиб ўтган ҳосил байрамида сўзга чиққан кекса бир деҳқон. — мен, масалан, тўкилиб ётган олмаларнинг ҳам уволи бор деб биламан". Уйлайманки, бу гаплар "эски ҳаммом, эски тос" қабилида гапирилаётган сийқа насихатлар эмас. Авваламбор, шундай "сийқа" гаплар бўладими, уларни мудом такрорлаб туриш фойдадан холи эмас.

Гап шундаки, нафақат галла ҳамда пахта далаларида шижоат кўрсатиб меҳнат қилиш, балки бир донга бугдойдан бунёд бўлган нон увоғини, бир донга чигитдан пайдо бўлган либосини асраб-авайлаш ҳам оз эмас, кўп эмас, истиқлол тараққиётига кўрсатилган ҳиммат эканлигини ушбу яхши кунларда яна бир марта хотиримизга маҳкам тугиб қўйсак, айна мудоао. Зеро, жасоратнинг, меҳр-мурувватнинг, ҳимматнинг катта-кичиги бўлмайди.

Эзгулик тантанаси йўлида қилинган ҳар қандай саъй-ҳаракат оқибат-натияда қарамонлик манзили сари олинган йўлдор. Ноннинг увоғини ердан қўтариб олаётган одам айна бир пайтнинг ўзида шу ҳаракати билан олиҳимидан галларкорларимизга таъзим қилаётган бўлиб чиқади. Шунинг ҳеч қачон унутмайликки, моддий неъматларни саховатли бир қўли очқилик ҳамда тежамкорлик билан сарфлайлик. Бироқ меҳр-мурувватда, бир-биримизга яхшилик қилишда ҳеч қачон тежамкор бўлмайлик.

Матнозар АБДУЛҲАКИМ.

# УШОҒИ ҲАМ УВОЛ БЎЛМАСИН



Бирок Хивадаги "Меҳрибонлик уйи" директори, Ўзбекистон Қарамони Вера Пакка ўшаб, уларнинг ўқисан дамларида меҳр кўрсатиб, ҳушқайфият армуғон этиш, номига эмас, балки ҳоҳият эътибори билан меҳрибонлик уйининг ҳам бекаси, ҳам онахони бўлиб, беминнат жасоратга дахлдорлик камдан-кам одамларнинг қўлидан келадиган ҳимматдир. Шунинг учун ҳам биз Вера опанинг кўксига қақнаётган Қарамонлик нишонини оддий меҳнат кунларида ғайриоддий жасорат кўрсатиб заҳмат чекаётган азизларнинг вақиласига олиб даражада айтилган раҳмат, деб тушунамиз.

билиб, уларнинг фаровонлиги йўлида ташвиш чекиш мушкул вазирадир. Аммо инсонийлик фазилатларининг гултожи ҳам айна шу фидоилиқдадир. Аслида одамийлик деган олий унвонга муносиб бўлиб кечирган ҳар бир дақиқамиз, бажараётган ҳар бир ишимиз чинакам саодатдир. Ана шу жиҳатга хилоф тарздаги ҳар бир хатти-ҳаракатимиз бартаф қилиниши шарт бўлган иллатимиздир. Садоқатни ёки хиёнатни фавқулодда ҳолатларда эмас, ҳар бир лаҳзадаги ишларимизда кўрмоқ, биринчисини мустаҳкамлаб, иккинчисини даф қилмоқ бизни истиқбол сари олиб чиқадиган йўлчи юлдузимиздир. Дейлик, сиз бир кийимни эскирмай туриб, ташлаб юбордингиз. У увол бўлди. Сиз бу ҳолда, биринчидан, ўзингизга хиёнат қилган бўласиз. Чунки сиз бу кийим бадалига пул тўлаган эдингиз. Иккинчидан, ана шу кийимни ишлаб чиқариш учун хом ашё етиштирган пахтакорга ёки дей-

лик, кимёгарга садоқат кўрсатмаган бўлиб чиқасиз. Чунки улар кўзда тутилаётган хом ашёни етиштириш учун заҳмат чеккан эдилар. Учинчидан, сиз ахли оилангизга вафо қилмаган бўлиб Мулоҳаза

### Мулоҳаза

чиқасиз, чунки ана шу увол кетган харидингизга сарфланган маблағда уларнинг улуши ҳам мавжуд эди. Яна ҳам аниқроқ қилиб гапирадиган бўлсак, бир оиланинг даромадига етказилган зарар бутун мамлакатнинг даромадига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади.

Бу масаланинг моддий томони, мавзунинг руҳий-маънавий жиҳатида эътиборни қаратадиган бўлсак, сизнинг ушбу тарздаги исрофгарчилигингиз бошқаларга ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Зеро, иллат юкувчан бўлади. Энди сиздан кўриб бошқалар ҳам кийимларни алмаштириб, олифтагарчилик қилтилари

### 2009 йил — Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Ғиждувон туманидаги "Зарангари" кишлоқ фуқаролар йиғини худудда 17 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Айтиш жоизки, Истиқлол йилларида бу худуд инфратузилмаси тубдан ўзгарди. Одамларнинг яшаш ва ишлашлари учун шаҳарниқидан сира қолишмайдиган шарт-шароитлар яратилди.

## ҚАЛБЛАРДА ВАТАН МЕҲРИ

Яқинда "Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурига мувофиқ, 3,2 километр масофага қувур тортилиб, Абади кишлоғи аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди. — Кейинги ўн-ўн беш йил ичида кишлоқларимиз қиёфаси бутунлай ўзгариб кетди, — дейди "Бўлакиён" маҳалла фуқаролар йиғини худудда яшовчи Султон Алимов. — Одамларимиз истиқлол берган имкониятлардан фойдаланиб, ишбилармонлик этагидан тутишляпти. Қўли гул усталар тайёрлаган дарвоза, эшик-роғларнинг энг сўнгги урфдагисини "Зарангари"дан топасиз. Қай бир оилага кирманг, тикувчилик, зардўлик, пазандалик каби касб-хунарлар билан машғул қиз-жувонларга кўзингиз тушади. Бир сўз билан айтганда, "Зарангари"нинг атиги ўн-ўн беш йил олдинги қиёфаси билан бугунги жамолани хаёлан муқояса этган киши кишлоқ ҳаётида нечоғли катта ўзгаришлар юз бераётганини яна бир қарра ҳис этиши турган гап. — Бу каби иллик фикрларни вилоятимизнинг исталган гўшаси мисолида айтиш мумкин, — дейди ғиждувонлик маҳалла фаолларидан бири Хумор Ҳамроева. — Мана, Ғиждувон шаҳрини олиб кўринг. Замонавий мактабу мухташам коллежлар, кўркам спорт мажмуалари шаҳарга узукка кўз кўйгандек ярашди. Болаларимиз кечган олис олт-

мишинчи йилларда бундай жаннатмонанд билим даргоҳларида ўқишни тасаввур ҳам қилолмасдик. Ҳа, тоғлар ҳам олисдан янада улугвор бўлиб кўринади. Йиллар ўтган сайин мустақиллигимизнинг кадр-қиммати ошиб бораверади. Президентимиз ташаббуси билан обод гўшага айлантирилган Ҳазрат Хожа Абдулоҳиқ Ғиждувоний зиёратгоҳига қадам қўйсангиз, бу фикр тўричилигига амин бўласиз, албатта. — Шўролар тузуми даврида мазкур қадамжода жуда хароба ахволда эди, — дея слайди Шаҳзода Сирожева. — Юртбошимизга минг раҳмат. Бугун бу обод қадамжодан зиёратчилар қадами узилмади. Етти илмига доғи кетган Ғиждувон бозорини айтмайсизми? Оилавий новвойимиз. Мустақиллик шарофати билан янгиғидан барпо этилган Ғиждувон бозориди ширмой нон сотамиз. Шўкр, рўзғоримиз бут, турмушимиз фаровон. Дарҳақиқат, Ғиждувон бозоридидаги тўқинчиликни кўриб, хунарманду ишбилармон, тижорат аҳлининг ғайрат-шижояти замирида катта ҳикмат борлигини сезиш қийин эмас. Уларнинг қўли ишда, қалблари эса юртин янада обод кўриш истаги билан уриб турибди. Бинобарин, бу гўшадан кут-барака асло аримайди. Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ ФАРЗАНД

Қорақалпоғистон Республикасида тиббий муассасалар фаолиятини жонлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар туфайли мавжуд шифо масканларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, кўплаб тиббий муассасалар замонавий техник ускуналар билан тўлиқ жиҳозланмоқда. Бу борада, айниқса, Чимбой туманида амалга оширилаётган ишлар ибратлидир.



### Тиббиёт

Ун олти мингдан зиёд ҳўж-лик истиқомат қилувчи мазкур худуддаги туман тиббиёт би-рлашмаси неғизда кўп тармоқ-лик поликлинника ҳамда замона-вий кишлоқ врачлик пункт-лари (КВП) фаолият кўрсат-моқда. Эътиборлиси, туманда кишлоқ врачлик пунктларини

етарлича шарт-шароитлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётди. Жумладан, 9 та КВП "Сало-матлик-1" лойиҳаси асосида тўлиқ тиббий ускуналар билан таъминланган бўлса, яқинда еттига КВПга "Саломатлик-2" лойиҳаси доирасида тиббий

асоблар ҳамда махсус жиҳоз-ланган автоуловлар етказиб берилди. Эндилкида чекка кишлоқ худудларидаги шифо масканлари энг сўнгги тиббий ускуналар билан жиҳозланган-лиги боис аҳолининг туман марказига қатнашига ҳеч қан-дай ҳожат қолмади.

Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

СУРАТДА: туруруқхонанинг неонатолог шифоқори Пальме-рия Аннакулова ёш онага тиббий маслаҳат бермоқда.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Хоразм вилояти филиали. Бошланғич баҳоси охиб бериш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади! Аукцион савдосига Урганч шаҳар сўд ижрочилири бўлими томонидан хатланган (2008 йил 29 майдаги 1966-сонли ижро ҳужжати) «Хоразмқурилиш» ОАЖга қарашли бўлган, Урганч шаҳри, И. Досов кўчасида жойлашган, 1-сон ишлаб чиқариш филиали, худуддаги қурилиш ости ер майдони 489,36 кв. м, ни ташкил қилган 3 қаватли маъмурий бино ва қозонхона биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 197 704 800 сўм. Аукцион савдоси 2009 йил 9 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган мулклар билан сўд ижрочилири бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидеги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтайтилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидеги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатлат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закатлат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБнинг Хоразм вилояти филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000700571452056, АТИБ «Ипотекабанк»-и «Тинчлик» филиали, МФД: 00580, СТИР: 200933850. Манзил: Хоразм вилояти, Урганч ш., И. Бобожонов к., 23-уй. Телефон: (8-362) 226-32-63. Факс: (8-362) 226-43-64. www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 № 000004.

ОБ-ҲАВО (9 сентябрь) Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзғариб туради. Ёгингарчилик кузатилмайди. Кечаси 10-15, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади. Бўхоро ва Навоий вилоятлари. Ҳаво ўзғариб туради. Ҳарорат тунда 10-15, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади. Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Баъзи жойларда Ҳаво бузули бўлади. Ёгингарчилик кузатилмайди. Кечаси 9-14, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади. Тошкент вилояти. Ҳаво ўзғариб туради. Баъзи жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат тунда 9-14, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзғариб туради. Ёгингарчилик кузатилмайди. Кечаси 11-16, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади. Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ҳаво ўзғариб туради. Тунда 9-14, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади. Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзғариб туради. Қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат кечаси 9-11, кундузи 25-27 даража иссиқ бўлади. «Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Манзил: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — М. Жоинқонов. Навбатчи — Ф. Абдулов. Мусаҳҳих — С. Исмолов. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқули — 20.25 Топширилди — 23.00 12 45

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўтқир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 803. 36192 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишидан нарҳда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25. ISSN 2010-8788

Тахриратта келган қўймақлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахрират жавобгар эмас. Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди. 1 -Тижорат материалари

ТАХРИРАТТА КЕЛГАН ҚЎЙМАҚЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРИЛМАЙДИ. РЕКЛАМА МАТЕРИАЛЛАРИ УЧУН ТАХРИРАТ ЖАВОБГАР ЭМАС. ГАЗЕТА ТАХРИРАТ КОМПЬЮТЕР МАРКАЗИДА ТЕРИЛДИ ҲАМДА ОПЕРАТОРЛАР Ж. ТОҒЕВ ВА М. БЕГМУРАТОВ ТОМОНИДАН САҲИФАЛАНДИ. 1 -ТИЖОРАТ МАТЕРИАЛАРИ